


Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида тадбир ташкил этилди



Бугун Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти Агробиология факультетида Дин ишлари бўйича қўмитанинг Сурхондарё вилояти Термиз тумани бўйича бош мутахассиси Муроджон Пардаев иштирокида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда талаба ёшларни турли ёт ғоялар, экстремистик оқимлар таъсиридан асраш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш борасида сўз юритилди.

Тадбир давомида чуқур тарбиявий аҳамиятга эга “Аёл қисмати” номли бадий фильм намойиш этилди.